

Бизнинг юртимиз, элимиз ва хатто расмий идораларимизда гайри табиий килиklar, ишлар канча кўб бўлса, табиий ишлар хам ўшанча кўбдир.

Булардан гайритабиийларини ёзмай ўтсак, албатта, «Машраб» кўркди, ёки мудохана йўлини тутди деб ҳақкимизда «хусни зан» килгувчилар чикиб колиши табиий бўлгонидек, ёзгонимиз такдирда бошимизнинг каламдек кесилиши хам табиийдир. Шунинг учун бу дафъа ёлғиз табиий ишлардан бир нечтасини кўрсатиб ўтиш маслахат кўруладир.

Биз хамма вақт ҳар ерда ҳукумат идораларини ерлилашдириш - тубжойлашдириш учун кучимиз борица хайкирамиз, кичкирамиз. Бу йўлда бор довшимизни битириб ўзимиз чарчаб колгонда, чала хат-саводлик бир мўлтоқни оламиз-да, зўр билан уни бир идорага тикиб юборамиз. Кулоч-кулоч қарорлар ёзиб бўлгондан сўнг «кани пул!» деганда жонимиз чиқадир... Мана, тубжойлашдириш тўғрисидаги ишимиз шу ходда экан, иншооллох киёмат яқинлашконда, тўртинчи осмондан ҳазрати Исо тушиб, бу муҳим вазифамизни бажариб бериши табиийдир.

Улуг вазифаларимиздан бири ҳурофот билан қурашиш эди. Худога шукрки, бу ишимиз хам ўзининг табиий йўлига тушиб бораётибдир. Чунончи, биз эшонлардан канча узоклашсак ва уларни қабих алфоз билан сўксак, улар бизга шунча яқинлашадирлар ва хатто гўшт-пўстимизга кириб борадир. Биз уларни канча эзсак, улар ишчи-деҳқонларимизни шунча эзадирлар. Биз бу ҳолларни кўриб, «кўзим кўрмасин, гўштимни бўри есин», деймизда ўзимизни билмасликка сола берамиз. Бу ишимиз хам шу тусда экан, ёқамизни ҳали бери ҳурофот қанғалидан қутқара олмаслигимиз табиийдур.

Бизнинг ҳаёт-мамот масалаларимиздан биртаси, шубҳасиз, олиқ-солиқ ишидир. Бу иш хам «мо фавқа ат-табиий» йўлига тушиб кетаётибдир. Раста-бозорлардаги солиқларимиз жуда тартиблиқдир. Бу ерда пашшанинг хам «гинг» зтишини кўра олмайсиз. Яъни хамма рози, ишлар ўз жойида. Ёнг ичидаги олиш-бериш бозори жуда чак-чак. Биров бир дақиқада бой, бошқаси бир соатда гадоё бўлмоқдадир. Солиқ ишлари хам шу йўл билан кета берса, дўқонларнинг оғзи очилиб колиши ва шунинг билан хамма бойчаларимизнинг ишчи-деҳқон синфига кириб кетиши табиийдур.

Сўзимизнинг адоғида шаҳримиздаги кизик бир манзарани хам кўрсатиб ўтайлик:

Самаркандда Зарафшон деган бир дарё бор. Бунинг устига бир эмас, иккита кўприги хам

бор. Ишнинг кизиги шундаким, бизнинг нодон халкимиз шахарга бориш-келиши учун шундай кўприклардан ўтмай, сувда бир шўнгиб эртаси Бухородан чикадирлар... Бу катнашлар хам шундай давом этаберса, кишгача барча ишчи-дехконларимизнинг Бухорога ўтиб кетишлари табиийдир.

*Ботурбек*

*«Машраб», 1924 йил, 4-сон*